



**Патхиддин НИШОНОВ**  
доцент, филология фандари номзоди  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
[nishonov\\_69@mail.ru](mailto:nishonov_69@mail.ru)

## **ЧЕТ ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МУАММОЛАРИ**

Мазкур мақола таълим тизимида, хусусан, чет тили таълимида энг долзарб масалалардан бири талабалар билимини баҳолаш масалаларига бағишланган. Унда анъанавий баҳолашдан CEFR тизимида асосланган баҳолашга ўтиш, тил кўникмаларига оид баҳолаш жадвалларини ишлаб чиқишнинг методик асослари масалаларига алоҳида урғу берилган.

В статье рассматривается один из важных вопросов образовательной системы – оценка знаний студентов в обучении иностранному языку. Особое внимание уделяется вопросам перехода от традиционных форм оценивания к системе, установленной CEFR, и методическим основам разработки так называемых таблиц оценивания по различным языковым навыкам.

This article is devoted to the assessment of the students' knowledge which is one of the most important and topical problems in the education system as a whole, particularly in the foreign languages teaching. The article emphasizes such facts as the transition from the traditional assessment to the assessment system based on CEFR system and also the methodological bases of working out assessment schedules.

**Калит сўзлар:** баҳолаш тизими, диагностик баҳолаш, форматив баҳолаш, сомматив баҳолаш, дескриптор.

**Ключевые слова:** система оценивания, диагностическое оценивание, формативное оценивание, соммативное оценивание, дескриптор.

**Key words:** assessment system, diagnostic assessment, formative assessment, additive assessment, descriptor.

Кейинги йиллари мамлакатимизда чет тилларни ўқитишга катта аҳамият берилмоқда. Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандарти тил ўрганувчиларнинг нутқий ва тил компетенцияси бўйича аниқ талабларни белгилаб беради. Таълим мазмуни ва битирувчилар билимига қўйиладиган талаблар Умумевропа халқаро стандарти даражаларига асосланган. Шундай экан, чет тили бўйича талабалар билимини назорат қилишни ҳам CEFR талаблари асосида ташкил этилишини тақозо этилади. Мазкур мақолада биз чет тили соҳасида анъанавий баҳолаш тизимидан интеграллашган тил кўникмаларини баҳолашга асосланган тизимга ўтиш масаласига доир айрим мулоҳазаларни ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги даврда чет тили ўқитишдан асосий мақсад — талабаларга ўзлари ўрганаётган тилдан алоқа воситаси сифатида фойдалана олишга ўргатишдан иборат. Чет тили таълимининг коммуникатив йўналтирилганлик принципига кўра юқоридаги асосий мақсад қаторига тил ўрганувчининг чет тилида лисоний ва маданиятлараро мулоқотга кириша олиш малакаларини ривожлантиришни ҳам киритиш зарур.

Методик адабиётларда баҳолашнинг бир неча тури ажратиб кўрсатилган. Булар — диагностик, форматив ва сомматив баҳолашдир. Диагностик баҳолаш таълим циклининг муайян босқичида (масалан, ўқув йилининг бошланишида, янги фанни ўқитишдан олдин) ўтказилиб, унда ўрганувчининг шу кунга қадар олган билимлари аниқланади. Бундай баҳолашни бошланғич баҳолаш деб атасак, тўғри бўлади. Шунини эътироф этиш керакки, баҳолашнинг бу тури ўрганувчининг муайян вақт оралиғида қандай билим ва кўникмаларни эгаллаганлигини аниқлашдан ташқари, ўқитувчига таълим давомида нималарга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқаришга ҳам ёрдам беради.

Форматив баҳолаш таълим жараёни давомида ўтказиладиган баҳолаш тури ҳисобланади. Бундай баҳолашни фаннинг муайян бобини ўзлаштиргандан сўнг ўтказиш мумкин. Бунда асосий эътибор ўрганилган бобнинг (ёки модулнинг) талабалар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлашга қаратилади.

Баҳолашнинг сомматив тури семестр ёки ўқув йилининг охирида ўтказилиб, унда талабанинг бутун курс давомида ўзлаштирган билим ва кўникмалари назорат қилинади. Форматив баҳолашдан фарқли равишда, сомматив баҳолашда талабанинг барча тил кўникмаларини аниқлашга қаратилган топшириқлар келтирилади.

Чет тили таълимида асосий ўрин эгалловчи коммуникатив ёндашув доирасида баҳолашнинг ҳар қандай тури муайян мезонларга жавоб бергандагина

самарали бўлиши таъминланади. Ф. Дэрвин ва Е.С. Салми бундай мезонларга қуйидагиларни киритадилар: ҳақиқийлик (*validité*), ишончлилик (*fidélité/fiabilité*), одиллик (*praticabilité/équité*), объективлик (*objectivité*) (1, 23). Муаллифларнинг фикрича, ҳақиқийлик мезони баҳолашнинг энг муҳим элементи ҳисобланади. Баҳолаш материали баҳоланиши зарур бўлган объектни аниқ ва тўлиқ қамраб олгандагина ҳақиқий ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, назорат материали таълимнинг мақсад ва вазифаларига тўлиқ жавоб бериши зарур.

Баҳолашда ишончлилик тушунчаси шуни англатадики, ишни баҳолаш принципи маълум вақт ўтгандан кейин ҳам, иш бошқа шахс томонидан текширилганда ҳам ўзгармаслиги керак. Шуни айтиш керакки, муқобил жавобларни ўз ичига олувчи тест системаси бошқа назорат шаклларига қараганда анча ишончлидир. Лекин улар талабанинг турли тил кўникмаларини баҳолаш учун етарли эмас. Аксинча, ёзма иш ёки оғзаки шаклдаги назоратлар бу вазифани бажаришда ишончлироқ ҳисобланади. Аммо бу ўринда ҳам ишончлилик борасида ўзига хос муаммолар етарли, масалан, назорат қилувчининг субъектив мулоҳазалари. Бу муаммони ҳар бир назорат топшириғига аниқ баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш билан ҳал қилиш мумкин (2, 23-24).

Баҳолашда субъективлик омилининг муайян ўрин тутиши бугун ҳеч кимга сир эмас. Анъанавий баҳолашда талабанинг метатил доирасидаги билимлари (масалан, феъл парадигмалари, синтактик қоидалар...) баҳоланса, “замонавий” баҳолашда унинг тил кўникмалари, яъни чет тилида коммуникатив вазиятга кириша олиш имкониятлари баҳоланади. Албатта, коммуникацияга киришиш учун тил қоидаларини билиш талаб этилишини инкор этиб бўлмайди. Бироқ баҳолашда тил қоидаларини билиш ёки билмасликни эмас, аксинча тилга оид эгалланган билимларни коммуникация жараёнида қўллай олиш кўникмасини текшириш тўғри бўлади. Талабадан муайян феълларни ўтган замонда тусланишини ёд айтиб беришни эмас, балки бирор воқеани ўтган замонда сўзлаб беришни сўраш фойдалироқдир.

CEFR талаблари асосида яратилаётган замонавий дарсликларнинг деярли барчасида ҳар бир бобнинг сўнггида тўртта тил кўникмасини баҳолашга қаратилган машқлар берилади. Тил кўникмаларини текширувчи машқлар учун баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳозирги пайтда чет тили ўқитувчилари олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Баҳолаш мезонлари ёзма ва оғзаки нутқ учун, шунингдек, тинглаб тушуниш ва ўқиб тушуниш учун алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилади. Мисол тариқасида қуйида ёзма ишни баҳолаш жадвалини (*grille d'évaluation*) келтирамиз:

**Ўзма ишни баҳолаш жадвали. 25 балл.**

<b>Топшириққа амал қилиш</b> Топшириқда берилган мавзу доирасида ўза олади. Ўзма ишни топшириқда берилган ҳажмда ўза олади.	0	0.5	1	1.5	2				
<b>Фактларни ўзма ифода этиш қобилияти</b> Воқеа, ҳодисаларни ўзма ифода эта олади.	0	0.5	1	1.5	2	2.5	3	3.5	4
<b>Ўз нуқтаи назарини ўзма ифода этиш қобилияти</b> Ўз фикрини, ҳиссиётларини ва муносабатини баён эта олади.	0	0.5	1	1.5	2	2.5	3	3.5	4
<b>Матнинг мазмунан бутунлиги</b> Турли кичик элементларни матнда мазмунан бирлаштира олади .	0	0.5	1	1.5	2	2.5	3		
<b>Лексик ва орфографик кўникмалар</b>									
<b>Лексик бойлик</b> Мавзуга оид лексик бирликларни билади, лозим бўлганда фикрини перифразалар воситасида ифодалай олади.	0	0.5	1	1.5	2				
<b>Лексик бирликлардан фойдаланиши</b> Элементар лексик бирликлардан фойдалана олади, бироқ мураккаб конструкцияли гапларни тузишда хатоларга йўл қўяди.	0	0.5	1	1.5	2				
<b>Орфографик қоидаларга амал қилиши</b> Лексик орфография, пунктуация ва саҳифалаш қоидаларига яхши амал қилади.	0	0.5	1	1.5	2				
<b>Грамматик кўникмалар</b>									
<b>Гапларни тўғри тузиш</b> Содда гапларни тузишда анча эркин, кўп қўлланиладиган мураккаб гапларни ҳам ишлата олади.	0	0.5	1	1.5	2				
<b>Феълнинг замон ва майлларини қўллаши</b> Она тилининг таъсири сезилиб турса-да, замон ва майлларни қўллаш қоидаларини билади.	0	0.5	1	1.5	2				
<b>Морфосинтактик қоидаларга амал қилиши</b> Сўзларни жинс ва сонда мослашишига амал қилади .	0	0.5	1	1.5	2				

Жадвалдан кўриниб турибдики, ёзма иш топшириғи максимал 25 балл билан баҳоланади. Бунда талабанинг иши мавзу доирасидан чиқмаганлиги, сўралган ҳажмдан кам ёки ундан ошиб кетмаганлиги, воқеа ва ходисаларни мантикий изчиллик билан баён қилиши, уларга нисбатан ўзининг шахсий фикрини ифода этиши, лексик бирликлардан фойдаланишда сўз бойлигини кўрсата олиши, перифразалардан кенг фойдаланиши, орфографик ва грамматик хатоларсиз ёзиши каби кўникмалар комплекс баҳоланади.

Анъанавий баҳолашда, айтайлик, талаба 10та орфографик хатога йўл қўйди. Бунинг учун текширувчи уни “аёвсиз жазолаши” мумкин. Юқоридаги жадвал бўйича эса талаба барча орфографик хатолари учун кўпи билан 2 балл йўқотиши мумкин.

Тил кўникмаларини баҳолашга қаратилган бундай жадвалларнинг афзал томонларидан яна бири шуки, ундан талабалар мустақил таълим жараёнида ўз-ўзини баҳолаш (autoévaluation) сифатида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, баҳолаш таълим жараёнининг ажралмас ва муҳим элементи бўлиб, унинг қандай ташкил этилиши нафақат ўқитиш самарадорлигини оширишга, балки ўрганувчилар мотивациясини оширишга ҳам хизмат қилади. Шу боис чет тили таълими баҳолаш жараёнида CEFR дескрипторларидан кенг фойдаланиш, баҳолаш мезонларини доимо такомиллаштириб бориш, ўқитувчилар учун амалий семинарлар ташкил этиш бу борадаги ишларни яхшилашга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Dervin F., E. Suomela-Salmi. Evaluer les compétences langagières et interculturelles dans l'enseignement supérieur — Helsinki, Abo Akademi Tryckeri, 2007.
2. Tagliante C. L'évaluation et le Cadre européen commun — Paris, Clé International, 2005.
3. Figari G., Lopez L.M. Recherche sur l'évaluation en éducation – Problématiques, méthodologies et épistémologies — Paris, L'Harmattan, 2006.